

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР МАБЛАҒЛАРИНИ АҲАМИЯТИ

Илмий раҳбар: О. Комолов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Молия” кафедраси доценти
Телефон: +9989998888015

Бекзод Азимов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Давлат молияси ва халқаро молия»
магистратура мутачассислиги
2-боскич магистранти
Телефон: +9989996200001

АННОТАЦИЯ: Жадал суръатларда ривожланиб бораётган ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар ўртасида амалга ошириладиган молиявий операциялар ҳар бир мамлакат учун муҳим аҳамият касб етади. Шу сабабли мамлакатимизда амалга оширилаётган халқаро молия операсияларини бошқариш ва уларни тартибга солиш нафақат мамлакат аҳолисига, балки мамлакатимиз ҳукумати билан ҳамкорликда иш юритаётган халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатлар ҳукуматлари учун ҳам фойдали ҳисобланади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Халқаро молия, халқаро интеграция, халқаро молиявий операциялар, халқаро молия ташкилотлари, хорижий инвестиция, инвестициявий маблағлар, капитал, портфел инвестициялар, ссуда капитали.

Сўнгги пайтларда глобал бозорда инвестициялар оқимининг йўналиши тез суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Бир неча йил олдин ривожланаётган давлатлар устувор бўлган ва бугунги кунда молия ҳам дунёning ривожланган иқтисодиётларига йўналтирилмоқда.

Ташки молиявий бозорларда ҳали ўзини намоён қила олмаган ёш давлат учун муайян инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва йирик ссудалар олиш учун чет эл банклари, банк консорциумлари ва трансмиллий компанияларни жалб қилиш қийин. Бундай пайтларда улкан молиявий ва техник имкониятларга эга ва юқори обрўга эга бўлган халқаро молия ташкилотлари ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш учун халқаро молия бозорларда маблағ жалб қилишда ёрдам беришади. Бундай ташкилотларга халқаро ва минтақавий ривожланиш банклари, йирик халқаро молия институтлари киради.

Маълумки, давлатнинг жаҳон миқёсидаги фаолияти унинг ижтимоий тараққиётига кучли таъсир кўрсатади. Самарали ва мақсадли ташки иқтисодий фаолият ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мамлакатнинг халқаро миқёсдаги обрўсини ошириш, унинг хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Мустақил Ўзбекистон учун бу, айни пайтда, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ўзбек жамиятини модернизация қилишнинг устувор шартидир.

Ушбу босқичда мамлакат ва Халқаро молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик шартлари миллий устуворликлар талабларига жавоб бериши, иқтисодиётнинг мақбул тармоқ тузилмасига эришишга ҳисса қўшиши, иқтисодиёт самарадорлиги ва жамият фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак. Охирги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш, хорижий инвесторларнинг ҳуқук ва манбаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими ишлаб чиқилмоқда. Бу эса хорижий инвесторларнинг

республикамиз иқтисодиёти барқарорлиги ва пухталигига, уни ривожланиш истиқболлариға қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётгандыгидан яққол далолат беради.

Хорижий инвестицияни жалб қилишда ҳар бир мамлакатда давлатнинг роли ва ўрни алоҳида бўлганлиги сабабли инвестицион муносабатларда давлат фаол иштирокчига айланади. Жумладан, у инвестицион сиёсатнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш чораларини кўради ва амалга оширади, иқтисодий, хуқукий нормаларни, хуқукий ҳимоя воситаларини яратади. Солик ставкалари, санкциялар ва имтиёзлар, кредитлаш орқали давлат мақсадли инвестиция оқимининг кириб келишини таъминлайди ва инвестицион сиёсатнинг устувор йўналишларини амалга оширади.

Хорижий инвестициялар халқаро капитал оқимлари таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, бугунги кунда турли шаклларда намоён бўлади. Ушбу шаклларни таҳлил қилишда инвестицияларни таснифлашнинг умумий тамойилларидан фойдаланиш мумкин, улар мақсадларга, муддатларга, инвестиция обьектларига, инвестиция ресурсларига эгалик қилиш, хатарлар ва бошқа белгилар бўйича тасифланади. Инвестиция фаолияти даромад манбаи ёки инвестиция мамлакатга кириб келишидан катъий назар, иқтисодий самара (фойда) олишнинг турли шакллари, шунингдек, давлатнинг бошқа макро ва микро мақсадларига эришиш шаклида намоён бўлади.

Халқаро инвестицион ҳамкорлик потенциал имкониятларга жавоб бермайди. шу сабабли, ҳозирги вақтда нафақат ўзаро инвестицияларнинг янги шакллари ва усуllibарини излаш, балки ташкии иқтисодий ҳамкорлик ва стратегик шериклик соҳасида инвестиция комплексининг замонавий инфратузилмасини яратиш зарурдир.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат ҳукумат, балки махаллий ҳокимият органлари, шунингдек корхоналар ва молиявий институтларнинг жиддий ташкилий кучларини талаб қиласди.

Бу иқтисодиётни жонлантириш ва илғор технологиялар ва бошқарув усуllibаридан фойдаланишга, самарали ишлаб чиқаришга, глобал иқтисодий тизимга қўшилишини кўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Кўпгина иқтисодчиларнинг фикрига кўра, хорижий инвестициялар давлатнинг ривожланишида катта рол ўйнайди, яхши ташкил этилган инвестиция муҳити бўлмаса, дунёдаги бирон бир мамлакат барқарор ривожлана олмайди.¹

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув тенденциялари ривожланиши билан бир қаторда, сўнги йилларда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, XX асрнинг сўнгги чорагида хорижий инвестициялар ҳажми 70% дан ошган. 2018 йил маълумотларига кўра осиёнинг ривожланаётган мамлакатларига тўғридан-тўғри инвестициялар 476 миллиард долларни ташкил қиласди. осиё минтақаси дунёдаги энг катта чет эл инвестицияларини жалб этганлиги сифатида юқори ўринни эгаллади. Айниқса денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич бир оз ошиб (хорижий инвестициялар оқими 3 фоизга) 23 миллиард долларга етди.²

Хорижий инвестициялар халқаро капитал оқимлари таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Халқаро капитал оқимлари шаклларининг таснифи 1-расмда келтирилган.

Хорижий инвестицияларни келиб чиқиши манбалари бўйича таснифлашда улар расмий (давлат) капитали ва хусусий (нодавлат) капитални фарқлайдилар. Давлат капитали яъни, бир давлат томонидан ҳукуматлараро (битимлар) асосида бошқаларга тақдим этиладиган кредитлар (ссудалар), грантлар, ҳар хил молиявий ёрдамларни ўз ичига олади.

¹ Гайдук В. И. Роль иностранных инвестиций в развитии экономики, 2017.

² www.unctad.com: UNCTAD, World Investment Report, 2018.



1-расм. Халқаро капитал оқимлари шаклларининг таснифи.³
Давлат капитали ҳисобига ҳукуматлараро ва халқаро ташкилотларни ўз номидан бошқарадиган капитал ҳам киритилиши мумкин. Бундай ташкилотларга мисол:

- БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти);
- Халқаро валюта жамғармаси;
- Жаҳон банки.

Нодавлат капитал. Тижорат (хусусий) компаниилар, нодавлат бирлашмалар, хорижий ташкилотларга (корхоналарга) инвестиция қилинган банклар, инвестицияларнинг бошқа соҳалари ёки шу каби шароитлар асосида олинган чет эл капиталидир.

Ушбу операциялар ўзларининг етакчи таркибий бўлинмасининг буйруғи асосида ёки алоҳида раҳбарларнинг битта мандатли қарори асосида амалга оширилади. Чет эл объектларига қўйилган тижорат капитал қўйилмалари капитал оқимларининг элементи ҳисобланади. Давлат бюджети билан боғлиқ бўлмаган молиявий активлар, уларнинг келиб чиқишидан қатъий назар (хусусий ёки қарзга олинган) хусусий компаниялардагина хусусий капитал асосини ташкил этади.

Бу эса мамлакатимизни энг паст даромадли ва ўртacha даромадли мамлакатлар орасида энг тез ривожланаётганидан далолат беради. Шу сабабли Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий инвестициялар алоҳида ўрин тутади ва шу билан бирга барча мамлакатлар иқтисодиёти учун хорижий инвестицияларнинг роли ва аҳамияти савдо, ИТ-технологиялар, саноат ва хизматларни ривожлантириш соҳасидаги муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шундай қилиб, хорижий инвестициялар ҳар қандай мамлакатнинг нафақат иқтисодиётига балки молиявий инфратузилмани ривожлантиришига хам сезиларли таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади.⁴

Молиявий инфратузилма. Пул, фонд, инвестиция бозорларида фаолият юритадиган ва уларнинг нормал ишланини ва умуман бутун минтақавий комплексни таъминлайдиган ва функцияларни амалга оширадиган (кредит ва банк муассасалари, биржалар, молия ва сугурта компаниялари) муассасадир.⁵ Ўзбекистон молиявий институтларини ривожлантиришда халқаро институтлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали ҳудудларни ривожлантиришда молиявий институтлар билан таъминлаш имконини беради. кўпгина илмий ишларда молиявий инфратузилма ва унинг институционал таркибий қисми иқтисодий ривожланиш даражасининг молиявий инфратузилма ҳолатига таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда ўрганилади, шу билан бирга бизнес ва молиявий фаоллик даражасини ошириш молиявий институтлар сонини кўпайтириши ва тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилашни талаб қиласди. шундай қилиб, молиявий институтлар, бир томондан, ўзлари ҳудуднинг инвестиция муҳитига кескин муносабатда таъсир қилишса, бошқа томондан эса, унинг шаклланишида иштирок этишади. Иқтисодиётга инвестицияларни энг фаол жалб қилиш банк муассасалари томонидан амалга оширилади, улар орасида тижорат банклари ва ривожланиш банклари ажralиб туради. Ривожланиш

³ Агадова Т.Н., Осмоловский С.П. Иностранные инвестиции, 2005.

⁴ Гайдук В. И. Роль иностранных инвестиций в развитии экономики, 2017.

⁵ Егорова Н.Е., Гарнец А.А. Формирование рыночной инфраструктуры регионального комплекса как условие его устойчивого экономического развития, 2006.

банклари муваффақиятли ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида мухим рол ўйнайди, бу эса жамғармаларни саноат ва инфратузилма инвестицияларига айлантиришга хизмат қиласы.⁶

Ўзбекистонда бу муассасалар ҳали шаклланмаган. Ривожланиш банкини ташкил этишдан мақсад инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ундан ташқарида мухим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан иборат.

Сўнгти пайтларда Ўзбекистон банкларининг инвестицион фаолиятида бироз жонланиш кузатилди. Банклар инвестиция фондлари ва компанияларини яратишда иштирок этишлари зарур, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш учун бошқа инвесторларни, шу жумладан хорижий инвесторларни жалб килишлари лозимдир. Агар банклар ҳалқаро молиявий институтлар ва бошқа томондан ҳукумат билан ҳамкорлик қиласалар, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиялаштиришнинг самарали механизми бўлиши мумкин, бу эса ушбу соҳаларга хорижий инвестицияларни жалб қилишга ёрдам беради.

Хорижий молия институтлари, шу жумладан хорижий банклар, фондлар ва бошқа ҳалқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликни қўллаб-куватлаш ва фаол ривожлантиришнинг мухим йўналишлардан биридир. Сўнгги йилларда Ўзбекистон молия институтлари асосан чет эл давлатлари банклари ва ҳалқаро молия институтларидан ривожланиш дастурини амалга ошириш ва инвестиция лойиҳаларига хизмат кўрсатиш учун маблағлар жалб қилмоқда. Ўзбекистон банкларининг хорижий молия институтлари билан ҳамкорлиги бир қатор афзалликларни беради: имтиёзли шартлар асосида маблағларни жалб қилиш, ҳалқаро тўлов тизимиға қўшилиш ва ҳалқаро стандартларни ўзлаштириш имконини беради; хусусий хорижий банклар билан алоқаларни ривожлантиришда катализатор вазифасини ўтайди. Вақт ўтиши билан бундай ҳамкорлик ўзининг самарали молиявий инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қиласи.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонга инвесторларни жалб қилишда молиявий институтларнинг ўрни мухим рол ўйнайди, шу билан бирга ҳукуматнинг ҳудудлардаги инвестиция мухитини яхшилаш бўйича ҳаракатлари молиявий институтларнинг ривожланиши ва самарали ишлашини таъминлайди. Инвестицион фаолиятнинг жонланиши натижасида инвестицияларнинг оқими ҳокимият, бизнес ҳамжамияти билан биргалиқда ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлиги ва молиявий инфратузилмани ривожлантиришига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни. 2000-йил 26-майда янги таҳрирда қабул қилинган.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Валутани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни. 2003-йил 11-декабрда янги таҳрирда қабул қилинган.
3. “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони.
4. “Валута сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 2-сентабрдаги ПФ-5177 сонли қарори
5. “Ҳалқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-декабрдаги ПҚ-3439-сонли қарори
6. “Ҳалқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 21-июндаги ПҚ-3796-сонли қарори
7. “Balance of payments and International investment position manual”. – Washington D.C.: International Monetary Fund, sixth edition 2012.
8. “Balance of payments Statistics Yearbook 2017” – Washington D.C.: International Monetary Fund 2017.

⁶ Локтева Е.Ю. Роль финансовой инфраструктуры в формировании инвестиционной привлекательности территории. 2008.

9. "Capital flows – review of experience with the institutional view" – Washington D.C.: International Monetary Fund, December 2016
10. Peter J. Montiel. "The capital inflow problem" – Washington D.C.: The World bank
11. C. Sandu. "Implications of the change in the balance of payments and the situation of its components on the Romanian exchange rate", Procedia economics and Finance, page 6, www.sciencedirect.com
12. J. Ataniyazov, E. Alimardonov. "Xalqaro moliya munosabatlari" – darslik – T.: O'zbekiston faylasuflari jamiyati nashriyoti, 2014, 433 b.
13. Под редакцией Л.Н.Красавиной «Международные валютно-кредитные и финансовые отношения», Москва – «Финансы и Статистика» 2012. 576 стр.
14. G. Nazarova., I. Axmedov., O. Hamidov., Z. Iminov. "Xalqaro iqtisodiy tashkilotlar", o'quv qo'llanma, Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti, 2011, 243 bet.
15. G. Nazarova, X. Xalilov, A. Azimov, I. Xanova. "Xalqaro iqtisodiy integratsiya". Darslik, Toshkent: "Tafakkur", 2010, 266 bet.